

**ДАГ-1 ПРЕПАРАТИНИ СОЯНИНГ ТОШКЕНТ ВА СЕВИНЧ НАВЛАРИНИ ПОЯ ВА ИЛДИЗ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

Ибрагимов Нозимжон Комилжон ўғли
Ўсимликлар генетик ресурс илмий
тадқиқот институти Андижон илмий
тажриба станцияси илмий ходими

Нажмуддинова Дидфуза Шаробидиновна
АҚХАИ "ИСБУИХ" каф. ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида, Ўсимликлар генетик ресурс илмий тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси шароитларида ДАГ-1 препарати соянинг Тошкент ва Севинч навларини поя ва илдиз тизимини ривожланишига таъсирининг биометрик-хўжалик кўрсаткичлари ёритилган

Калит сўзлари: Моляр, дуккак, поя, илдиз системаси Тошкент, Севинч вариант, қайтариқ.

Мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр сектор экспорт салоҳиятини ошириш, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, унда озиқ-овқат экинлари турлари улушини ошириш борасида давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соячиликни ташкил этиш” ҳақидаги 2017 йил 14 мартдаги қарори ҳамда “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий инфратузилма тизимини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини мўл ва маҳсулот сифати юқори ҳамда биотик ва абиотик омилларга бардошли янги селекция навларини яратишга катта эътибор бериш” тўғрисидаги 2017 йил 24 июлдаги қарорлари соҳа мутахассислари олдида Республикамизда соячиликни ташкил этиш ва уни ривожлантиришга асос бўлди. Шу боис, ҳозирда мамлакатимизда дон-дуккакли, мойли экинларга катта эътибор қаратилиб, алоҳида экин майдонлари ажратилмоқда

Тажриба ўтказиш услуги ва тизими. Тажриба ишлари 2022 йил давомида Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида, Ўсимликлар генетик ресурс илмий тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станциясининг Марказий тажриба хўжалиги даласида ўтказилди. Асосий лаборатория таҳлиллари институтнинг «Дуккакли экинлар селекцияси уруғчилиги ва агротехникаси» лабораториясида олиб борилди.

Тажрибалар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришда Тупрокнинг агрокимёвий таҳлил қилишда «Методы агрохимических анализов почв и растений» (Ташкент, 5-изд. 1977), фенологик кузатишлар “Ўсимликшунослик” илмий тадқиқот институтининг (ВИР) услубий қўлланмаларидан (М.1977) фойдаланилди.

Дала тажрибалари натижалари математик таҳлили Б.А.Доспехов (М., 1985), қўлланмасидан фойдаланилди.

Бунинг учун институтнинг Марказий тажриба даласида 2022 йилда қуйидаги тизимларда дала тажрибалари ўтказилди.

Жорий йилнинг 24-26 апрел кунлари тажриба даласига соянинг “Севинч” ва “Тошкент” навлари 5 вариантда 3 та такрорланишда экиб чиқилди. Вариантлар: назорат, 10^{-5} , 10^{-6} , 10^{-7} , 10^{-8} молярли эритмалари қўлланилди. Бу тажрибаларда соянинг Севинч ва Тошкент нави экилган.

ДАГ-1 препаратини қўллаш соя ўсимлигини касаллик ва зараркунандаларга чидамлигини оширади. Препарат поя, барг, илдиз ўсишини фаоллаштиради, унвчанликни оширади, нокулай шароитга чидамлиги ортади. Препарат билан лаборатория шароитида ҳам уруғга ишлов бериб тажрибалар олиб борилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва кўчат босқичлари ривожланишнинг кейинги даврига нисбатан абиотик стрессларга таъсирчан бўлади. Абиотик стресслар ўсимликларга хусусан, соя ҳосилдорлигига жиддий таъсир қилади. Ферментатив ва ноферментатив антиоксидантлар генларининг юқори даражада регуляцияси соянинг ўсиб ривожланиши учун муҳим имкониятларни тақдим этади. уруғларни экишдан олдин биостимуляторлар билан ишлов бериш шўрланган тупроқларда соянинг униб чиқишини яхшилашнинг самарали усули ҳисобланади. Шўрланишли муҳитда ўстирилган соя уруғлари учун глицирризин кислотаси асосида олинган табиий асосли ДАГ-1 препаратининг муқобил концентрацияни аниқлаш мақсадида препаратларнинг 10^{-5} , 10^{-6} , 10^{-7} , 10^{-8} молярли эритмалари қўлланилди. Тадқиқот материали сифатида соянинг “Севинч”, ҳамда “Тошкент” навлари олинди. Уруғларни экиш олдида ДАГ-1 препаратининг 10^{-5} , 10^{-6} , 10^{-7} , 10^{-8} молярли эритмаларида 8 соат давомида ивителиб сўнгра далага экилди.

Тадқиқот натижалари Мазкур тажриба натижалари соя экинни уруғларини ДАГ-1 биостимуляторнинг хар молярли концентрацияси билан ишлов бериб экишнинг энг мақбул миқдорини аниқлаш жуда муҳим.

(1-жадвал).

Вариантлар	Ўтлоки бўз тупроқлар							
	(Севинч нави)				(Тошкент нави)			
	Кўкарув чанлик %	Илдиз узунлиг и см	Поя узунлиг и см	Ҳосилдорл ик Ц,га	Кўкарув чанлик %	Илдиз узунлиги см	Поя узунлиги см	Ҳосилдорл ик Ц га
Назорат	79.5	7.2	7.1	34.2	77.8	7.2	7.2	33.7
10^{-5} молярли	88.1	9.5	9.6	45.9	89.2	12.4	10.3	45.2
10^{-6} молярли	98.1	14.3	10.3	47.1	97.2	18.3	12.1	48.2
10^{-7} молярли	92.6	13.5	7.9	42.6	91.2	14.3	11.6	44.5
10^{-8} молярли	96.2	8.0	6.5	37.9	97.1	16.3	8.3	41.9

Тажриба натижалари шуни кўрсатики соянинг Севинч навини уруғларини экишдан олдин ДАГ-1 биостимулятор 10^{-5} молярли эритмаси ишлов берилганда назорат вариантга нисбатан уруғларни унуб чиқиш 8.6 фоизига илдиз системасининг узунлиги 2.3 см поя узунлиги 2.5 смга узунлиги аниқланди. Ҳосилдорлик эса 11.7 ц.га юқори аниқланди. Энг юқори кўрсаткич ДАГ-1 биостимулятор 10^{-6} молярли эритмаси ишлов берилганда кузатилди назорат вариантга нисбатан уруғларни унуб чиқиш 18.6 фоизига илдиз системасининг узунлиги 2.3 см поя узунлиги 7.1 смга узунлиги аниқланди. Ҳосилдорлик эса 11.5 ц.га юқори аниқланди.

Соянинг Тошкент навини уруғларини экишдан олдин ДАГ-1 биостимулятор 10^{-5} молярли эритмаси ишлов берилганда назорат вариантга нисбатан уруғларни унуб чиқиш 11.4 фоизига илдиз системасининг узунлиги 5.2 см поя узунлиги 3.1 смга узунлиги аниқланди. Ҳосилдорлик эса 11.5 ц.га юқори аниқланди. Энг юқори кўрсаткич ДАГ-1 биостимулятор 10^{-6} молярли эритмаси ишлов

берилганда кузатилди назорат вариантга нисбатан уруғларни унуб чиқиш 19.4 фоизига илдиз системасининг узунлиги 11.4 см поя узунлиги 4.9 смга узунлиги аниқланди. Хосилдорлик эса 14.5 ц.га юкори аниқланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида жойлашган , Ўсимликлар генетик ресурс илмий тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станциясининг Ўтлоқи бўз тупроқларида шароитларида ДАГ-1 биостумлятонинг сувли мухитли эритмасининг 10^{-6} молярли эритмаси мақбул концентрацияли эканлиги маълум бўлди хозирда ДАГ-1 биостумлятонинг тузли мухитли эритмасининг соя навларининг Тошкент ва Севинч навларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 мартдаги “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
- 3.*МСАТТАРОВ, Ж.ҲАМДАМОВ*, Соянинг (*glycine hispida* l) асосий ва такрорий экишга мослашган серхосил навларини яратиш Агроилм 2021 й 1-илова 26-бет.